

جوامع الدعاء
من الكتاب والسنة



Қуръон ва суннатда келган
ПУРМАЪНО ДУОЛАР

**Китоб: Қуръон ва суннатда келган
пурмаъно дуолар**

Нашрга
тайёрловчи: Раҳматуллоҳ Абдуллоҳ ўғли

Муҳаррир: Исмоил Ёқуб

Саҳифаловчи: Саид Аҳмад

Саҳифа сони: 80 бет

Нашр: Биринчи

Тираж: 2000 дона

Тарих: 1439 ҳ. – 2018 м.

Нашрга тайёрловда Шайх Алоуддин Мансурнинг
Қуръони карим маъно таржимасидан, IslamNuri.com
ва islom.uz вебсаҳифаларидаги материаллардан
фойдаланилди.

Қуръон ва суннатда келган
ПУРМАЪНО ДУОЛАР

Нашрга тайёрловчи:

Раҳматуллоҳ Абдуллоҳ ўғли



Истанбул 2018



Муқаддима

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримизга саловоту саломлар бўлсин!

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дуо ибодатдир” дедилар, сўнг **“Роббингиз деди: “Менга дуо-илтижо қилинглр. Мен дуоларингизни ижобат қилурман”,** [Ғофир: 60] оятини ўқидилар (Термизий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ибодатларнинг афзали дуодир” дедилар (Ҳоким “Мустадрак”да келтирган).

Дуо икки турлидир:

Биринчиси ибодат маъносида бўлиб, Аллоҳ таолони қалбдан улуғлаб, Унинг ҳузурида хокисор бўлиб сўраш билан Унга ибодат қилишдир.

Иккинчиси сўраш ва тилаш маъносида бўлиб, банда Раббидан дунё ва охирати учун фойдали нарсалар ато этишини ва зарарларни даф этишини сўраб, дуо қилишидир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пурмаъно – кўп маъноларни ўз ичига олган дуоларни яхши кўрардилар, бундан бошқасини тарк қилардилар (Абу Довуд ривояти).

Муҳтарам азизлар, ушбу мўжазгина рисолада мусулмон киши ҳар вақт ўқиб юриши мустаҳаб бўлган муҳим дуоларни йиғишга ҳаракат қилдик. Зикр қилинган дуоларнинг аввалги қисми Қуръонда келган дуолар бўлиб, уларни Аллоҳ таоло пайғамбарлар ва солиҳлар тилидан баён қилган. Кейингилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ривоятларда келган. У зот ўзлари шу дуоларни қилганлар ёки саҳобаларга ўргатганлар. Бу қисмда дуолар жуда кўплигидан

барчасини зикр қилмадик. Шунингдек, ҳар вақт ўқиб юриш ва ёдлаш осон бўлиши учун уларни бир неча қисмларга бўлдик.

Аллоҳ таоло бизларни ўзига кўп дуо қилувчилардан қилсин. Ушбу рисола ни ўқиб, унга амал қилган ва нашр этилишига сабаб бўлган кишилар учун ҳам фойдали қилсин!



Биринчи қисм

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

۱- ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ • الرَّحْمَنِ
الرَّحِيمِ • مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ • إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ
نَسْتَعِينُ • اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ • صِرَاطَ
الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ
وَلَا الضَّالِّينَ﴾.

Қувилган шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Ҳамду сано бутун оламлар Робби, Меҳрибон ва Раҳмли, (қиёмат) кунининг Подшоҳи бўлмиш Аллоҳ учундир. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Бизларни ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан

тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўл-
миш – Тўғри йўлга йўллагайсан (Фотиҳа: 1-7).

۲- ﴿رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ
حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик
ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва
бизни дўзах азобидан асрагин (Бақара: 201).

۳- ﴿رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا
وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

Эй Роббимиз, устимизга сабру-тоқат ёғдиргин,
қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу
кофир қавм устига ғолиб эт (Аъроф: 126).

۴- ﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا
وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ

مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ
وَاعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا
فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿١١﴾

Эй Роббимиз, унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга дучор қилма. Эй Роббимиз, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг зиммаларига юклаган юкни юклама. Эй Роббимиз, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама. Бизларни афв эт, гуноҳларимизни мағфират қил, ҳолимизга раҳм айла. Ўзинг хожамизсан. Ўзинг бизни бу кофир қавм устига ғолиб қил (Бақара: 286).

هـ ﴿١٢﴾ رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ
لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ ﴿١٢﴾

Эй Роббимиз, бизларни ҳидоят қилганингдан сўнг дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато эт. Албатта

Сен барча яхшиликларни ато этгувчисан (Оли Имрон: 8).

﴿۶- رَبَّنَا إِنَّنا أَمَنَّا فَأَغْفِرْ لَنا ذُنُوبَنا وَقِنا عَذابَ
النَّارِ﴾

Эй Роббимиз, биз Сенга иймон келтирдик, бас, гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра (Оли Имрон: 16).

﴿۷- رَبَّنَا ظَلَمَنا أَنفُسَنا وَإِنا لَمْ تَغْفِرْ لَنا
وَ تَرْحَمَنا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخاسِرِينَ﴾

Эй Роббимиз, бизлар ўз жонимизга жавру зулм қилдик. Агар бизларга мағфират ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз (Аъроф: 23).

﴿۸- رَبَّنَا عَلَيْكَ تَوَكَّلَنا وَإِليكَ أَنبَنا وَإِليكَ
المَصِيرُ﴾

Эй Роббимиз, ёлғиз Ўзингга таваккул қилдик ва Ўзингга тавба қилдик, ёлғиз Сенгагина қайтишимиз бордир (Мумтаҳина: 4).

۹- ﴿رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ
وَنَجِّنَا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

Эй Роббимиз, бизларни золим қавмларга мафтун (алданувчи) қилиб қўйма. Ва Ўзинг бизларга раҳм айлаб, бу кофир қавмдан қутқар (Мумтаҳина: 5).

۱۰- ﴿رَبَّنَا أَتْمِمْ لَنَا نُورَنَا وَاغْفِرْ لَنَا , إِنَّكَ عَلِيٌّ
كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

Эй Роббимиз, Ўзинг бизларга нурымизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан (Таҳрим: 8).

۱۱- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنِّي أَشْهَدُ أَنَّكَ أَنْتَ اللَّهُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ الْأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ».

Эй Аллоҳим, мен Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сен ёлғиз, шериксиз, туғмаган ва туғилмаган ва ҳеч бир тенги бўлмаган Сомад – беҳожат Зотлигинга гувоҳлик беришлигим билан сўрайман (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

۱۲- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنَّ لَكَ الْحَمْدَ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ، الْمَنَّانُ، يَا بَدِيعَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ، يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ، إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ».

Эй Аллоҳим, мен Сендан барча мақтовлар билан сўрайман. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сен ёлғиз, шериксиз ва яхшилиқни инъом қилгувчи бўлган Зотсан. Эй осмонлару ерни яратгувчи, улуғлик ва икром соҳиби, эй мангу тирик ва абадий тургувчи Зот, мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

۱۳- «اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَيَّ إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَيَّ إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.»

Эй Аллоҳим, Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳим,

Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига баракот-хайр ато этганингдек, Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам баракот-хайр ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан (Бухорий ва Муслим ривояти).

Иккинчи қисм

۱۴- «اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ نُورُ السَّمَوَاتِ
 وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ قِيَمُ
 السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ،
 أَنْتَ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ وَلَكَ
 الْحَمْدُ، أَنْتَ الْحَقُّ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ، وَقَوْلُكَ
 حَقٌّ، وَلِقَاؤُكَ حَقٌّ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ، وَالنَّارُ حَقٌّ،
 وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ،
 اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَبِكَ
 آمَنْتُ، وَإِلَيْكَ أُنَبْتُ، وَبِكَ خَاصَمْتُ، وَإِلَيْكَ
 حَاكَمْتُ، فَاعْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ، وَمَا أَخَّرْتُ،
 وَمَا أَسْرَرْتُ، وَمَا أَعْلَنْتُ أَنْتَ الْمُقَدِّمُ، وَأَنْتَ
 الْمُؤَخِّرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.»

Эй Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг нуридирсан. Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер ва улардагиларни бошқариб тургувчидирсан! Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Подшоҳидирсан! Сенга ҳамд бўлсин! Сен ҳақсан, ваъданг ҳақ, сўзинг ҳақ, Сен билан учрашмоқ ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, набийлар ҳақ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақ ва Қиёмат ҳақдир. Эй Аллоҳим! Сенга бўйсундим ва Сенга таваккул этдим. Сенга иймон келтирдим ва Сенга тавба қилдим. Сен учун (ёки Сенинг мададинг билан) талашдим-ёмон кўрдим ва Сени ҳакам қилдим. Менинг олдин қилганларимни ҳам, кейин қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам мағфират этгин. Аввал қилгувчи ҳам, кейин қилгувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга илоҳ йўқдир (Бухорий ривояти).

﴿رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَتَوَقَّنَا مُسْلِمِينَ﴾ - ۱۵

Эй Роббимиз, бизнинг устимизга сабру тоқатни ёғдир ва бизларни фақат муслмон ҳолимизда жонимизни ол (Аъроф: 126).

﴿۱۶- رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ﴾

Эй Роббимиз, ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгин (Иброҳим: 41).

﴿۱۷- رَبَّنَا آتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهَيِّئْ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا﴾

Эй Роббимиз, бизларга Ўз ҳузурингдан раҳмат – марҳамат ато этгин ва ишларимизни Ўзинг ўнглагин (Каҳф: 10).

۱۸- ﴿رَبَّنَا آمَنَّا فَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا وَأَنْتَ
خَيْرُ الرَّاحِمِينَ﴾

Эй Роббимиз, Ўзингга иймон келтирдик. Бас, Сен бизларни мағфират қилгин ва бизларга раҳм айла. Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан (Мўминун: 109).

۱۹- ﴿رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ
أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا﴾

Эй Роббимиз, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзни қувонтирадиганларини ҳадя эт ва бизларни тақводорларга пешво қил (Фурқон: 74).

۲۰- ﴿رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي، وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي﴾

Эй Роббим, қалбимни кенг ва ишларимни осон қил (Тоҳа: 25-26).

۲۱- ﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا
بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًا لِلَّذِينَ
آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ﴾

Эй Роббимиз, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Эй Роббимиз, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан (Ҳашр: 10).

۲۲- ﴿رَبَّنَا إِنَّنا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ
أَنْ آمِنُوا بِرَبِّكُمْ فَآمَنَّا رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا
وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ﴾

Эй Роббимиз, албатта биз: “Роббингизга иймон келтирингиз!” деб иймонга чорлагувчининг ни-доларини эшитдигу, иймон келтирдик. Эй Роб-

бимиз, бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни ўчиргин ва бизларни яхшилар билан бирга вафот эттиргин! (Оли Имрон: 193).

۲۳- ﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا
وَتَّبِعْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

Эй Роббимиз, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни собит қил ва бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил! (Оли Имрон: 147).

۲۴- ﴿رَبَّنَا إِنَّكَ تَعْلَمُ مَا نُخْفِي وَمَا نُعْلِنُ وَمَا يَخْفَى عَلَى اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ﴾

Эй Роббимиз, албатта Сен бизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам билурсан,

Аллоҳ учун еру осмондаги бирон нарса махфий эмасдир (Иброҳим: 38).

﴿رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾ - ۲۵

Эй Роббимиз, бизларни бу золим қавмлар билан бирга қилиб қўймагин (Аъроф: 47).

﴿رَبِّ اغْفِرْ وَارْحَمْ وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ﴾ - ۲۶

Эй Роббим, Ўзинг (гуноҳларимни) мағфират қил ва (ҳолимга) раҳм айла. Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг энг яхшироғидирсан (Мўминун: 118).



Учинчи қисм

۲۷- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الثَّبَاتَ فِي الْأَمْرِ،
وَالْعَزِيمَةَ عَلَى الرَّشْدِ، وَأَسْأَلُكَ مُوجِبَاتِ
رَحْمَتِكَ، وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ شُكْرَ
نِعْمَتِكَ، وَحُسْنَ عِبَادَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ قَلْبًا
سَلِيمًا، وَلِسَانًا صَادِقًا، وَأَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا
تَعْلَمُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا تَعْلَمُ، وَأَسْتَغْفِرُكَ
لِمَا تَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ.»

Шаддод ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Эй Шаддод ибн Авс, агар инсонларнинг олтину кумуш йиғаётганини кўрсанг, сен ушбу калималарни йиғин” дедилар: **“Аллоҳим, мен Сендан ишда собитқадамликни, тўғри юришда азму қарорни сўрайман. Сендан**

раҳматингга эришиш сабабларини, мағфиратингга мустаҳиқ бўлишни сўрайман. Сендан неъматингга шукр қилишни, ибодатингни гўзал қилишни сўрайман. Сендан соғлом қалб ва содиқ тилни сўрайман. Сендан ўзинг биладиган нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Сендан ўзинг билган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Сендан ўзинг биладиган нарсалардан истиғфор сўрайман. Албатта, Сен ғайбларни ўта яхши билувчидирсан” (Аҳмад, Термизий ва Насойй ривоятлари. Албоний саҳиҳ деган).

« ۲۸- « لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ،
لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ
قَدِيرٌ ».

Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ ҳақ маъбуд йўқ. У ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир Зотдир (Бухорий ва Муслим ривояти).

۲۹- «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ،
 لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ
 قَدِيرٌ، سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا
 اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ
 الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، رَبِّ اغْفِرْ لِي.»

Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ ҳақ маъбуд йўқ.
 У ёлғиз, шериксиз (Зот)дир. Мулк ҳам, ҳамд
 ҳам Уники ва У барча нарсага қодирдир. Аллоҳ
 покдир. Ҳамд Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга ҳақ
 илоҳ йўқ. Аллоҳ улуғдир. Куч ҳам, қудрат ҳам
 ёлғиз, Олий ва Улуғ Аллоҳ (мадади) биландир.
 Эй Роббим, мени мағфират қилгин (Термизий ва
 Абу Довуд ривояти).

۳۰- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ يَا اللَّهُ، بِأَنَّكَ الْوَاحِدُ
 الْأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ

يَكُنْ لَهُ كُفُوراً أَحَدٌ، أَنْ تَغْفِرَ لِي ذُنُوبِي، إِنَّكَ
أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ.»

Эй Аллоҳим, Мен Сенинг яккаю ягона, туғмаган, туғилмаган ва ҳеч бир тенги бўлмаган Сомад – беҳожат Зот эканлигинг билан сўрайман: Аллоҳим, Менинг гуноҳларимни кечиргин. Албатта, Сен кечиримли ва раҳмли Зотдирсан (Насойй ривояти).

۳۱- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنَّ لَكَ الْحَمْدُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ، الْمَنَّانُ، يَا بَدِيعَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ، يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ، إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ.»

Эй Аллоҳим, мен Сендан барча мақтовлар билан сўрайман. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сен

ёлғиз, шериксиз ва яхшилиқни инъом қилувчи
Зотсан. Эй осмонлару ерни яратгувчи, улуғлик
ва икром соҳиби, эй Мангу тирик ва абадий
тургувчи Зот, мен Сендан жаннатни сўрайман
ва дўзахдан паноҳ тилайман (Абу Довуд ва Ибн
Можа ривояти).

۳۲- «وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضَ حَنِيفًا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ، إِنَّ
صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ
الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ، وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا مِنَ
الْمُسْلِمِينَ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ،
أَنْتَ رَبِّي وَأَنَا عَبْدُكَ، ظَلَمْتُ نَفْسِي وَاعْتَرَفْتُ
بِذُنُوبِي، فَاعْفُرْ لِي ذُنُوبِي جَمِيعًا، إِنَّهُ لَا يَغْفِرُ
الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ، وَاهْدِنِي لِأَحْسَنِ الْأَخْلَاقِ،
لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا إِلَّا أَنْتَ، وَاصْرِفْ عَنِّي

سَيِّئَهَا، لَا يَصْرِفُ عَنِّي سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ، لَبَّيْكَ
 وَسَعْدَيْكَ، وَالْخَيْرُ كُلُّهُ بِيَدَيْكَ، وَالشَّرُّ لَيْسَ
 إِلَيْكَ، أَنَا بِكَ وَإِلَيْكَ، تَبَارَكْتَ وَتَعَالَيْتَ،
 أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.»

Юзимни осмонлару ерни яратган Зотга ҳаниф бўлган ҳолда юзлантирдим. Мен мушриклардан эмасман. Албатта намозим, қурбонлигим, ҳаётим ва мамотим оламларнинг рабби Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Мен шунга буюрилдим ва мен мусулмонларданман. Эй Аллоҳим, Сен Маликсан ва Сендан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ йўқ. Сен Раббимсан ва мен Сенинг қулингман. Мен гуноҳлар қилиб ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни эътироф этдим. Менинг барча гуноҳларимни кечир. Албатта гуноҳларни ёлғиз Сенгина кечиргувчидирсан. Мени энг гўзал хулқларга йўлла. Албата, гўзал хулқлар сари ёлғиз Сенгина ҳидоят этасан. Мендан ёмон

хулқларни кетказ. Албатта, ёмон хулқларни фақат Сенгина мендан кетказишга қодирсан. Мен Сенинг итоатингда тургувчиман ва Сенинг итоатингда бўлувчиман. Барча яхшилик Сенинг кўлингдadir ва ёмонлик Сендан бўлмас. Мен Сенинг мададинг ила мавжудман ва Сенга қайтаман. Сен улуғ ва олийсан. Сенга истиғфор айтаман ва Сенга тавба қиламан (Муслим ривояти).

۳۳- «اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ، اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنْ خَطَايَايَ كَمَا يُنْقَى الثَّوْبُ الْأَبْيَضُ مِنَ الدَّنَسِ، اللَّهُمَّ اغْسِلْنِي مِنْ خَطَايَايَ بِالثَّلْجِ وَالْمَاءِ وَالْبَرْدِ.»

Эй Аллоҳим, мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ этгин. Эй Аллоҳим, оппоқ либос кирликдан тозалангани каби мени хатоларим-

дан покиза қилгин. Эй Аллоҳим, менинг хатоларимни қор билан, сув билан ва дўл билан ювгин-поклагин! (Бухорий ва Муслим ривояти).

۳۴- «اللَّهُمَّ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، رَبِّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكَهُ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَشَرِّكَه، وَأَنْ أَقْتَرَفَ عَلَى نَفْسِي سُوءًا، أَوْ أَجُرَّهُ إِلَى مُسْلِمٍ.»

Ғайбу ошкорни билгувчи, осмонлару ерни яратгувчи, барча мавжудотнинг Парвардигори ва Молики-Подшоҳи бўлган эй Аллоҳим, гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва ширкдан паноҳ беришингни илтижо қилиб сўрайман. Ўзимга ёки бошқа бир муслмонга ёмонлик етказишдан паноҳ тилайман (Абу Довуд ривояти).

۳۵- «اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ،
 خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ
 مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ،
 أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ بِذَنْبِي، فَاغْفِرْ
 لِي، فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ. »

Эй Аллоҳим, Сен Роббимсан ва Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг аҳд-паймонинг ва ваъдангда турибман. Ўзим қилган нарсалар ёмонлигидан Сендан паноҳ беришингни сўрайман. Сенинг менга берган неъматларингни ҳам, қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Мени мағфират этгин. Албатта, фақат Сенгина гуноҳларни кечиргувчисан (Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, “Вой

гуноҳларим, вой гуноҳларим”, деб икки ёки уч марта айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қуйидаги дуони ўргатдилар:

«اللَّهُمَّ مَغْفِرَتُكَ أَوْسَعُ مِنْ ذُنُوبِي،
وَرَحْمَتُكَ أَرْجَى عِنْدِي مِنْ عَمَلِي.»

“Аллоҳим, мағфиратинг гуноҳимдан кенгроқдир. Раҳматинг ҳузуримдаги амалимдан умидлироқдир”.

У бу дуони ўқиди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Такрорла” дедилар, у такрорлади. Сўнгра яна: “Такрорла” дедилар, у яна такрорлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тур, батаҳқиқ мағфират қилиндинг”, дедилар (Ҳоким ривояти).

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ،
وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عِقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ،

لَا أَحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَيَّ
نَفْسِكَ.»

Эй Аллоҳим! Мен Сенинг розилигинг билан менга ғазаб қилишингдан, афву-кечиришинг билан мени азоблашингдан, Сендан Ўзингдан паноҳ беришингни тилайман. Сенга лойиқ бўлганинг каби ҳамду сано айтолмайман. Сен ўзингга сано айтганинг кабидирсан (Муслим ривояти).



Тўртинчи қисм

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг доим ўқиб юрадиган дуолари:

۳۸- «اللَّهُمَّ رَبَّنَا آتْنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي
الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ».

Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато эт, охирадда ҳам яхшилик ато этгин ва бизларни дўзах азобидан асрагин (Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломга кирган кишиларга аввал намозни ўргатардилар. Сўнгра мана бу калималар ила дуо қилмоқни буюрардилар:

۳۹- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالتُّقَى
وَالْعَفَافَ وَالْغِنَى».

Аллоҳим, мен Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бойлик сўрайман (Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

« ۴۰ - « يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ »

“Эй улуғлик ва карам эгаси” калимасини лозим тутинглар ва уни кўпайтиринглар”, дедилар (Термизий ва Аҳмад ривояти).

« ۴۱ - « اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي وَعَافِنِي وَارْزُقْنِي ».

Аллоҳим, мени мағфират қил ҳамда менга раҳм айла, мени офиятда қил ва мени ризқлантир (Абу Довуд ривояти).

« ۴۲ - « اللَّهُمَّ يَا مُصَرِّفَ الْقُلُوبِ صَرِّفْ قُلُوبَنَا عَلَى طَاعَتِكَ ».

Эй қалбларни буриб қўйгувчи Аллоҳим, қалбларимизни тоатингга буриб қўйгин (Муслим ривояти).

۴۳- «اللَّهُمَّ اهْدِنِي، وَسَدِّدْنِي، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالسَّدَادَ».

Аллоҳим, мени ҳидоят қил ва тўғри йўлга муваффақ эт. Эй Аллоҳим, мен Сендан ҳидоятни ва тўғри йўлда мустаҳкам туришни сўрайман (Муслим ривояти).

۴۴- «اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةٌ أَمْرِي، وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي، وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي، وَاجْعَلِ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ، وَاجْعَلِ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍّ».

Аллоҳим! Мен учун динимни ислоҳ қил, диним менинг қўрғонимдир. Мен учун дунёмни ҳам ислоҳ этки, у менинг яшашим ва ҳаётимдир. Охирагимни ҳам ислоҳ этгинки, албатта у менинг қайтар жойимдир. Ҳаётни мен учун ҳар яхшиликнинг ортиши қилгин, ўлимни мен учун ҳар бир ёмонликдан роҳат этгин (Муслим ривояти).

٤٥- «اللَّهُمَّ لَكَ أَسَلَمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ
وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَإِلَيْكَ أُنَبْتُ، وَبِكَ
خَاصَمْتُ؛ «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِعِزَّتِكَ لَا إِلَهَ
إِلَّا أَنْتَ أَنْ تُضِلَّنِي، أَنْتَ الْحَيُّ الَّذِي لَا
يَمُوتُ وَالْجِنُّ وَالْإِنْسُ يَمُوتُونَ».

Аллоҳим, Сенга бўйсундим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккул қилдим, Сенга тавба қилдим ва Сенинг номинг ила хусуматлашдим (яъни, Сенинг номинг ила ҳужжат талаб қилдим, ҳимоя қилдим ва урушдим). Аллоҳим,

мени адаштирмоғингдан иззатинг ила паноҳ тилайман. Сендан бошқа ҳақ илоҳ йўқдир. Сен тирикдирсан ва ўлмайсан, инс ва жинлар эса ўлгувчидирлар (Муслим ривояти).

٤٦- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا سَأَلَك مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا اسْتَعَاذَكَ مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَنْتَ الْمُسْتَعَانُ وَعَلَيْكَ الْبَلَاغُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ.»

Аллоҳим, набийинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўраган нарсаларнинг яхши-сини Сендан сўрайман. Ва набийинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам паноҳ сўраган нарсаларнинг ёмонидан паноҳ сўрайман. Сен ёрдам сўралгучи Зотсан, буюклик Сенга хосдир. Аллоҳдан ўзга ўзгартиргувчи ва қувват бергучи йўқдир (Термизий ривояти).

« ٤٧ - يَا حَيُّ، يَا قَيُّوْمُ، بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيْثُ،
أَصْلِحْ لِيْ شَأْنِيْ كُلَّهُ، وَلَا تَكِلْنِيْ إِلَى نَفْسِيْ
طَرْفَةَ عَيْنٍ .»

Эй мангу ҳаёт ва абадий тургувчи Зот! Сенинг раҳматинг билан мадад сўрайман. Менинг бутун шаъним-ишимни ўнгла ва мени бирон лаҳза ҳам ўзимга топшириб қўйма (Ҳоким ривояти).

« ٤٨ - اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِيْ ذَنْبِيْ كُلَّهُ، دِقَّةَ وَجِلَّتْهُ،
وَأَوَّلَهُ وَآخِرَهُ، وَعَلَانِيَّتَهُ وَسِرَّهُ .»

Эй Аллоҳим, Менинг барча гуноҳларимни, каттаю кичик, аввалу охир, яширину ошкорларини мағфират эт (Муслим ривояти).

« ٤٩ - اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ
وَرَحْمَتِكَ فَاِنَّهُ لَا يَمْلِكُهَا اِلَّا اَنْتَ .»

Эй Роббим, фазлу раҳматингни сўрайман. Унга фақат сен моликсан (Албоний саҳиҳ деган).

۵۰- «اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ
وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ.»

Эй Аллоҳим, Сени зикр этишда, Сенга шукр қилишда ва Сенга ибодатларни гўзал бажаришимда менга ёрдам бер (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

۵۱- «اللَّهُمَّ أَلْهِمْنِي رُشْدِي، وَأَعِزَّنِي مِنْ
شَرِّ نَفْسِي.»

Аллоҳим, мени ҳидоятга муваффақ қилиб, нафсимнинг ёмонлигидан паноҳ бергин (Термизий ривояти).



Бешинчи қисм

۵۲- «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي خَطِيئَتِي وَجَهْلِي
وَإِسْرَافِي فِي أَمْرِي، وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ
مِنِّي؛ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي جَدِّي وَهَزْلِي وَخَطِيئِي
وَعَمْدِي وَكُلَّ ذَلِكَ عِنْدِي؛ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا
قَدَّمْتُ وَمَا أَخَّرْتُ وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ
وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي، أَنْتَ الْمُقَدِّمُ وَأَنْتَ
الْمُؤَخِّرُ وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ.»

Аллоҳим, хатоларимни, жоҳиллигимни, ишдаги
исрофларимни кечиргин. Сен уни мендан кўра
билувчироқсан. Аллоҳим, жиддийлигимни, ҳа-
зилимни, хатоимни, қасдимни ва менинг ҳузу-
римдаги барчасини кечиргин. Аллоҳим, олдин
қилган гуноҳларимни ҳам, кейин қилган гу-
ноҳларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам,

ошкор қилганларимни ҳам кечиргин. Сен уни мендан кўра билувчиروқсан. Сен Аввалу Охирдирсан. Сен ҳар бир нарсага қодирсан (Бухорий ва Муслим ривояти).

۵۳- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْجُبْنِ وَالْهَرَمِ وَالْبُخْلِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ وَضَلَعِ الدِّينِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ».

Аллоҳим, Сенинг номинг билан ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, кексалик заифлигидан, бахилликдан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда қарз юкидан ва кишиларнинг ғолиб бўлишидан паноҳ тилайман (Муслим ривояти).

۵۴- «اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً»

مِنْ عِنْدِكَ، وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ
الرَّحِيمُ.»

Эй Аллоҳим, мен нафсимга кўп зулм қилдим, гуноҳларни фақат Сенгина кечира оласан, Ўз ҳузурингдан бўлган мағфират ила мени кечиргин. Ва менга раҳм қил, албатта Сен кечиргувчи, раҳмли Зотсан (Бухорий ва Муслим ривояти).

۵۵- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ زَوَالِ نِعْمَتِكَ
وَتَحَوُّلِ عَافِيَتِكَ وَفَجْأَةِ نِقْمَتِكَ وَجَمِيعِ
سُخْطِكَ.»

Эй Аллоҳим, берган неъматинг кетиб қолишидан, берган офиятинг ўзгашиб кетишидан, тўсатдан келувчи азобингдан ва жамики ғазабингдан паноҳ тилайман (Муслим ривояти).

۵۶- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ
وَالْجُبْنِ وَالْبُخْلِ وَالْهَمِّ وَعَذَابِ الْقَبْرِ، اللَّهُمَّ
أَنْتَ نَفْسِي تَقْوَاهَا، وَزَكَّيْهَا أَنْتَ خَيْرُ مَنْ زَكَّاهَا،
أَنْتَ وَلِيِّهَا وَمَوْلَاهَا، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ
عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ
لَا تَشْبَعُ، وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا.»

Эй Аллоҳим, Сенинг номинг ила ожизликдан ва дангасаликдан, қўрқоқликдан ва бахилликдан, ғам-қайғудан ва қабр азобидан паноҳ тилайман. Аллоҳим, қалбимни тақволик қил ва уни поклагин, албатта Сен покловчиларнинг энг яхшироғидирсан. Сен қалбнинг молики ва ҳожасидирсан. Аллоҳим, Сенинг номинг ила фойда бермайдиган илмдан ва қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман (Муслим ривояти).

۵۷- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ النَّارِ
وَعَذَابِ النَّارِ، وَمِنْ شَرِّ الْغِنَى وَالْفَقْرِ».

**Аллоҳим, дўзах фитнасидан, дўзах азобидан,
бойлик ва камбағаллик ёмонликларидан Се-
нинг номинг ила паноҳ тилайман (Абу Довуд).**

۵۸- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ مُنْكَرَاتِ
الْأَخْلَاقِ وَالْأَعْمَالِ، وَالْأَهْوَاءِ».

**Эй Аллоҳим, хулқ ва амалларнинг ҳамда хоҳи-
шу-истакларнинг ёмонлигидан Сенинг номинг
ила паноҳ тилайман (Термизий ривояти).**

۵۹- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ سَمْعِي
وَمِنْ شَرِّ بَصْرِي، وَمِنْ شَرِّ لِسَانِي، وَمِنْ شَرِّ
قَلْبِي وَمِنْ شَرِّ مَنِّي».

Эй Аллоҳим, қулоқ ва кўзимнинг ёмонлигидан, тилим ва дилимнинг ёмонлигидан ҳамда ма-нийимнинг (шаҳватимнинг) ёмонлигидан Се-нинг номинг ила паноҳ тилайман (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

٦٠- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبَرَصِ
وَالْجُنُونِ وَالْجُدَامِ، وَسَيِّئِ الْأَسْقَامِ».

Аллоҳим, Сенинг номинг ила песлик, жиннилик, мохов ва ёмон касалликлардан паноҳ тилай-ман (Абу Довуд ривояти).

٦١- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُوعِ فَإِنَّهُ
بُئْسَ الضَّجِيعُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخِيَانَةِ فَإِنَّهَا
بُئْسَتِ الْبَطَانَةُ».

Аллоҳим, Сенинг номинг ила очликдан паноҳ тилайман. Чунки у ёмон ётоқдошдир Ва хиё-

**натдан паноҳ тилайман, чунки у ёмон ички туй-
ғудир** (Абу Довуд ва Насоий ривояти).



Олтинчи қисм

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг энг кўп айтадиган дуолари:

۶۲- « يَا مُقَلِّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِي عَلَى دِينِكَ ».

Эй қалбларни ўзгартиргувчи Зот, қалбимни динингда саботли қил (Термизий. Албоний саҳиҳ деган).

۶۳- « اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنِّي أَشْهَدُ أَنَّكَ أَنْتَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ الْأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ ».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бир кишининг шундай деб айтганини эшитиб, унга:

“Сен Аллоҳ таолодан Унинг исми ила шундай нарса сўрадингки, агар ўша исм билан сўралса, ўша сўралган нарсани беради. Агар у билан дуо қилинса, ижобат этилади”, дедилар. Маъноси: **“Эй Аллоҳим, мен Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сен ёлғиз, шериксиз, туғмаган ва туғилмаган ва ҳеч бир тенги бўлмаган Сомад – беҳожат Зот-лигинга гувоҳлик беришим билан сўрайман”** (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

٦٤- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنَّ لَكَ الْحَمْدُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ الْمَنَّانُ بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ يَا حَيُّ يَا قَيُّومُ.»

Анас розияллоҳу анҳу дедилар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўтирган эдим, бир киши намоз ўқиди-да, сўнг ушбу дуони ўқиди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Батаҳқиқ, у исми аъзам билан Аллоҳга дуо қилди. Агар у билан дуо қилинса,

ижобат қилинади. Ва агар у билан сўралса, берилади”, дедилар.

Маъноси: **Эй Аллоҳим, сенга ҳамду сано айтиш билан сўрайман, Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сен ёлғиз, шериксиз ва яхшилиқни инъом қилгувчи Зотдирсан. Эй осмонлару ернинг яратгувчиси, улуғлик ва икром сохиби, эй мангу ҳаёт ва абдий тургувчи зот** (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

٦٥- «اللَّهُمَّ بِعِلْمِكَ الْغَيْبِ، وَقُدْرَتِكَ عَلَى الْخَلْقِ، أَحْيَيْتَنِي مَا عَلِمْتَ الْحَيَاةَ خَيْرًا لِي، وَتَوَفَّيْتَنِي إِذَا عَلِمْتَ الْوَفَاةَ خَيْرًا لِي، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَشْيَتِكَ فِي الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، وَأَسْأَلُكَ كَلِمَةَ الْحَقِّ فِي الرِّضَا وَالْغَضَبِ، وَأَسْأَلُكَ الْقَصْدَ فِي الْغِنَى وَالْفَقْرِ، وَأَسْأَلُكَ نَعِيمًا لَا يَنْفَدُ، وَأَسْأَلُكَ قُرَّةَ عَيْنٍ لَا تَنْقَطِعُ،

وَأَسْأَلُكَ الرِّضَا بَعْدَ الْقَضَاءِ، وَأَسْأَلُكَ بَرْدَ
 الْعَيْشِ بَعْدَ الْمَوْتِ، وَأَسْأَلُكَ لَذَّةَ النَّظَرِ إِلَى
 وَجْهِكَ، وَالشُّوقَ إِلَى لِقَائِكَ، فِي غَيْرِ ضَرَاءٍ
 مُضِرَّةٍ، وَلَا فِتْنَةٍ مُضِلَّةٍ، اللَّهُمَّ زَيْنًا بِزِينَةِ
 الْإِيمَانِ، وَاجْعَلْنَا هُدَاةً مُهْتَدِينَ.»

Эй Аллоҳим, ғайбни билишинг ва яратишга қодирлигинг билан сўрайман. Агар ҳаётни мен учун хайрли деб билсанг, мени яшатгин. Агар ўлимни мен учун хайрли деб билсанг, мени вафот топтиргин. Эй Аллоҳим, Мен сендан ошқору ғайбда Ўзингдан қўрқишни сўрайман. Розилигимда ҳам, ғазабланганимда ҳам фақат ҳақ сўз айтишга муваффақ қилишингни сўрайман. Бойликда ҳам, фақирликда ҳам мўътадилликни сўрайман. Туганмас неъмат ва узилмас қувонч сўрайман. Қазою қадардан кейин розиликни, ўлимдан сўнг осойишта

ҳаётни сўрайман. Юзингга боқиш лаззатини ва висолинг шавқини сўрайман! (Агар ҳаёт-да мени яшаттирсанг) зарарли қайғуларсиз, адаштирувчи фитналарсиз (яшаттир). Эй Аллоҳим, Бизни иймон зийнати ила зийнатла ва тўғри йўлга бошловчи, тўғри йўлда юрувчилардан қил. Ҳидоятга бошловчи ва ҳақда юрувчилардан қил (Насоий ва Аҳмад ривояти).

۶۶- «اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ،
وَاعْغِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ».

Эй Аллоҳим, мени ҳаромдан четлатиб, ҳалол-линг билан кифоялантир. Фазлинг ила мени ўзгалардан беҳожат қилгин (Термизий ривояти).

۶۷- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَشْرِكَ بِكَ وَأَنَا
أَعْلَمُ، وَاسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا أَعْلَمُ».

Аллоҳим, билиб туриб ширк келтиришдан Сенинг номинг билан паноҳ сўрайман. Ва билмаган нарсамда сенга истиғфор айтаман (Албоний саҳиҳ деган).

۶۸- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّقَاقِ
وَالنِّفَاقِ وَسُوءِ الْأَخْلَاقِ».

Аллоҳим, бузғунчиликдан, нифоқдан ва ёмон ахлоқдан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман (Насоий ва Абу Довуд ривояти).

۶۹- «اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي جَسَدِي، وَعَافِنِي
فِي بَصَرِي، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنِّي، لَا إِلَهَ إِلَّا
أَنْتَ الْحَلِيمُ الْكَرِيمُ، سُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَرْشِ
الْعَظِيمِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ».

Эй Аллоҳим, жисмимни офиятда қил, кўзимни ҳам офиятда қил ва уни менга меросхўр эт

(яъни, ўлгунича омонда қил), Ҳалим ва Карим сифатли Зотдан бошқа илоҳ йўқдир. Улуғ арш Роббиси бўлган Аллоҳни поклаб ёд этурман. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин (Термизий ривояти).

Довуд алайҳиссаломнинг дуолари:

۷۰- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ حُبَّكَ وَحُبَّ مَنْ يُحِبُّكَ، وَالْعَمَلَ الَّذِي يُبَلِّغُنِي حُبَّكَ؛ اللَّهُمَّ اجْعَلْ حُبَّكَ أَحَبَّ إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي وَأَهْلِي وَمِنَ الْمَاءِ الْبَارِدِ.»

Эй Аллоҳим, мен Сендан Сенинг муҳаббатингни ва Сени яхши кўрганларнинг муҳаббатини ҳамда Сенинг муҳаббатингга етказадиган амални сўрайман. Аллоҳим, менга Ўзингнинг муҳаббатингни нафсимдан, аҳлимдан ва муздек сувдан ҳам суюмлироқ қилгин (Термизий ривояти).

Китнинг қорнида Роббиларига илтижо қилган Зуннун (Юнус алайҳиссалом)нинг дуолари:

﴿۷۱﴾ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ
الظَّالِمِينَ ﴿۷۱﴾

“Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сени поклаб ёд этурман. Албатта мен золимлардан бўлдим?” (Анбиё: 87).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмон киши мана шу калималар ила дуо қилса, дуоси ижобат этилади”, дедилар. (Аҳмад ва Термизий ривояти).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, қайси дуо афзал?» деганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Раббингдан дунё ва охиратда офият ва соғлиқни сўрамоғинг”, дедилар. У киши

иккинчи куни ҳам келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, қайси дуо афзал?” деганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шуни айтдилар. Сўнгра учинчи куни ҳам келганида яна шу дуони айтиб: “Агар сенга дунё ва охиратда офият берилса, батаҳқиқ нажот топибсан”, дедилар.

۷۲- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي دِينِي، وَدُنْيَايَ، وَأَهْلِي، وَمَالِي، اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي، وَآمِنْ رَوْعَاتِي، اللَّهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيْ، وَمِنْ خَلْفِي، وَعَنْ يَمِينِي، وَعَنْ شِمَالِي، وَمِنْ فَوْقِي، وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي.»

Эй Аллоҳим, Мен Сендан дунё ва охиратда афву офият сўрайман. Аллоҳим, Мен Сен-

дан динимда, дунёмда, аҳлимда ва молимда афву офият тилайман. Аллоҳим, Менинг авратим (айбларимни)ни беркитгин. Қўрқувимдан омонлик бергин. Аллоҳим, Мени олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, ўнгимдан ҳам, чапимдан ҳам, тепамдан ҳам Ўзинг сақлагин. Қадамим остидан хиёнатга учрашдан Сенинг улуғлигинг билан паноҳ сўрайман (Аҳмад ва Термизий ривояти. Албоний саҳиҳ деган).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам кўпинча қуйидаги дуони ўқимагунларича бирон мажлисдан қўзғолмасдилар:

۷۳- «اللَّهُمَّ اقْسِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا تَحُولُ بِهِ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تُبَلِّغُنَا بِهِ جَنَّتِكَ ، وَمِنْ اليَقِينِ مَا تُهَوِّنُ بِهِ عَلَيْنَا مَصَائِبَ الدُّنْيَا ، اللَّهُمَّ مَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا ، وَأَبْصَارِنَا ، وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا ، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ

مِنَّا ، وَاجْعَلْ ثَأْرَنَا عَلٰى مَنْ ظَلَمْنَا ، وَانصُرْنَا
عَلٰى مَنْ عَادَانَا ، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي
دِينِنَا ، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا اَكْبَرَ هَمِّنَا ، وَلَا مَبْلَغَ
عِلْمِنَا ، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا .»

Эй Аллоҳим, бизларга Ўзингга маъсият қилишдан тўсадиган қўрқувни, бизни жаннатингга етказадиган тоат-ибодатларни, бизга дунё мусибатларини енгиллаштириб берадиган иймон-ишончни насиб этгин. Бизни то тирик эканмиз, қулоқларимиз, кўзларимиз ва куч-қувватимиз билан фойдалантиргин ва бу нарсалардан айирмагин. Бизга зулм қилган кишилардан қасос олишимизни насиб айлагин. Душманларимиз устидан бизга нусрат ато этгин. Мусибатимизни динимизда қилмагин. Дунёни энг катта ғамимиз ва илмимиздан мақсадимиз (фақат дунё ташвишини ўйлайдиган) қилмагин ва Бизга раҳм қилмайдиган кимсаларни устимизга

ҳукмрон қилиб қўймагин (Термизий ривояти. Албоний саҳиҳ деган).

۷۴- « رَبِّ أَعِنِّي وَلَا تُعِنِّ عَلَيَّ وَانصُرْنِي وَلَا تَنْصُرْ عَلَيَّ وَامْكُرْ لِي وَلَا تَمْكُرْ عَلَيَّ وَاهْدِنِي وَيَسِّرْ الْهُدَى لِي وَانصُرْنِي عَلَى مَنْ بَغَى عَلَيَّ رَبِّ اجْعَلْنِي لَكَ شَكَارًا لَكَ ذَكَارًا لَكَ رَهَابًا لَكَ مَطْوَعًا لَكَ مُخْبِتًا إِلَيْكَ أَوَْاهًا مُنِيبًا رَبِّ تَقَبَّلْ تَوْبَتِي وَاغْسِلْ حَوْبَتِي وَأَجِبْ دَعْوَتِي وَثَبِّتْ حُجَّتِي وَاهْدِ قَلْبِي وَسَدِّدْ لِسَانِي وَاسْأَلْ سَخِيمَةَ قَلْبِي ».

Эй Роббим, менга ёрдам бергин ва менинг зид-димга ёрдам бермагин. Менга нусрат бергин, менинг зараримга нусрат бермагин. Фойдамга макр қилгин, зараримга эмас. Мени ҳидоят эт. Менга ҳидоятни осон қилгин. Менга тажовуз

қилганларнинг устидан менга нусрат бергин. Эй Роббим, мени кўп шукр қилгувчи, Сени кўп зикр қилгувчи, Ўзингдан қўрқиб тургувчилардан эт, Ўзингга доим итоат қилиб, Ўзингга бўйсинувчи, Сенгагина тавба-тазарру қилиб, Ўзингга ёлворувчилардан қилгин. Эй Роббим, тавбамни қабул эт ва гуноҳларимни юв. Дуоларимни ижобат эт ва ҳужжатимни собит қил. Қалбимни ҳидоят эт ва тилимни тўғрила. Қалбимдан ичи қораликни суғуриб ташла (Термизий ва Абу Довуд ривояти).



ЕТТИНЧИ ҚИСМ

۷۵- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ، مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّرِّ كُلِّهِ عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ، مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ، وَأَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ وَمَا قَرَّبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ وَمَا قَرَّبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ، وَأَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا سَأَلْتُكَ بِهِ عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّرِّ مَا اسْتَعَاذَكَ مِنْهُ عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَسْأَلُكَ مَا قَضَيْتَ لِي مِنْ أَمْرٍ أَنْ تَجْعَلَ عَاقِبَتَهُ رَشَدًا.»

Аллоҳим, Сендан яхшиликларнинг барчасини – бу дунёдагиси-ю охиратдагисини, билганим-у билмаганимни сўрайман ва Сенинг номинг ила ёмонликларнинг барчасидан – бу дунёдагиси-ю охиратдагисидан, билганим-у билмаганимдан паноҳ тилайман. Ва Сендан жаннатни ҳамда унга яқинлаштирувчи сўз ёки амални сўрайман. Ва Сенинг номинг ила дўзадан ва унга яқинлаштирувчи сўз ёки амалдан паноҳ тилайман. Қулинг ва расулинг Муҳаммад алайҳиссалом сўраганларининг яхшисини Сендан сўрайман. Қулинг ва расулинг Муҳаммад алайҳиссалом паноҳ тилаганларининг ёмонидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Ва бирор ишни тақдир қилсанг, оқибатини тўғри қилишингни сўрайман (Ибн Можа. Ҳоқим саҳиҳ деган).

۷۶- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مُوجِبَاتِ رَحْمَتِكَ،
وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ، وَالسَّلَامَةَ مِنْ كُلِّ إِثْمٍ،

وَالْغَنِيمَةَ مِنْ كُلِّ بَرٍّ، وَالْفَوْزَ بِالْجَنَّةِ، وَالنَّجَاةَ
مِنَ النَّارِ.»

Эй Аллоҳим, мен сендан раҳматингга сазовор этадиган ва мағфиратингни вожиб қиладиган ишларни ҳамда ҳар қандай гуноҳдан саломатликни ва ҳар бир яхшиликни ғанимат билишни, жаннат билан зафар қозонишни ва Ўзингнинг ёрдаминг билан дўзахдан нажот топишни сўрайман (Термизий ва Ибн Можа. Ҳоқим саҳиҳ деган).

۷۷- «اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ،
وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ.»

Эй Аллоҳим, мени ҳаромдан четлатиб, ҳалолнинг билан кифоялантир. Фазлинг ила мени ўзгалардан беҳожат қилгин (Термизий ривояти).

۷۸- «اللَّهُمَّ احْفَظْنِي بِالْإِسْلَامِ قَائِماً، واحْفَظْنِي
 بِالْإِسْلَامِ قَاعِداً، واحْفَظْنِي بِالْإِسْلَامِ راقِداً، ولا
 تُشِمِّتْ بِي عَدُوًّا ولا حاسِداً. اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ
 مِنْ كُلِّ خَيْرٍ خَزَائِنُهُ بِيَدِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ كُلِّ
 شَرٍّ خَزَائِنُهُ بِيَدِكَ.»

Эй Аллоҳим, мени тик турган ҳолимда ҳам,
 ўтирган ҳолимда ҳам, ётган ҳолимда ҳам
 Исломда сақлагин, ҳасадчи ва душманлар-
 ни менинг устимдан кулдириб қўймагин. Эй
 Аллоҳим, Ҳузурингдаги барча яхшилик хазина-
 ларини сўрайман ва Ҳузурингдаги барча
 ёмонлик хазиналаридан паноҳ тилайман (Ҳо-
 ким саҳиҳ деган).

۷۹- «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي ، وَوَسِّعْ لِي فِي
 دَارِي ، وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي.»

Эй Роббим, гуноҳларимни кечир, ҳовлимни кенг қил ҳамда ризқимга барака ато эт (Насоий ва Ибн Сунний).

۸۰- «اللَّهُمَّ اهْدِنِي لَأَحْسَنِ الْأَخْلَاقِ لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا إِلَّا أَنْتَ ، وَاصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا لَا يَصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ .»

Эй Роббим, хулқларнинг энг яхшисига мени ҳидоят қил. Сендан бошқаси ҳидоят қила олмас. Ва мени ёмонликлардан четлатгин. Сендан бошқаси четлата олмас (Муслим ривояти).

۸۱- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ ، وَتَرْكَ الْمُنْكَرَاتِ ، وَحُبَّ الْمَسَاكِينِ ، وَأَنْ تَغْفِرَ لِي ، وَتَرْحَمَنِي ، وَتَتُوبَ عَلَيَّ ، وَإِذَا أَرَدْتَ بِعِبَادِكَ فِتْنَةً ، فَاقْبِضْنِي إِلَيْكَ غَيْرَ مَفْتُونٍ .»

Эй Аллоҳим, мен Сендан яхшиликлар қилишга ва ёмонликларни тарк этишга ҳамда мискин-бечораларни яхши кўришга муваффақ этишингни, мени мағфират қилишингни, менга раҳм айлаб, тавбаларимни қабул этишингни сўрайман. Агар бандаларингга фитнани хоҳласанг, мени фитналанмаган ҳолда жонимни олгин (Аҳмад ва Термизий ривояти).

۸۲- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْمًا نَافِعًا ، وَرِزْقًا طَيِّبًا، وَعَمَلًا مُتَقَبَّلًا».

Эй Аллоҳим, мен Сендан фойдали илм, қабул бўладиган амал ва ҳалол-пок ризқ сўрайман (Ибн Можа ва Ибн Сунний ривояти).

۸۳- «اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ وَابْنُ عَبْدِكَ وَابْنُ أُمَّتِكَ نَاصِيَتِي بِيَدِكَ مَاضٍ فِي حُكْمِكَ

عَدْلٌ فِي قَضَائِكَ أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ
 لَكَ سَمِيَتْ بِهِ نَفْسِكَ أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ
 أَوْ عَلَّمْتَهُ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ أَوْ اسْتَأْثَرْتَ بِهِ
 فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ
 رَبِيعَ قَلْبِي وَنُورَ صَدْرِي وَجِلَاءَ حُزْنِي
 وَذَهَابَ هَمِّي.»

Эй Аллоҳим, мен Сенинг қулингман, қулингнинг ўғлиман, чўрингнинг ўғлиман. Пешонам Сенинг қўлингда (яъни, Сенинг салтанатинг-ҳукминг остидаман), Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимдаги қазо (ҳукминг) адолатдир. Сен учун бўлган ҳар бир исм билан сўрайман. У исм билан Ўзингни номлаган ёки бирон китобингда нозил қилган эдинг ёки уни бирон банданга билдирган эдинг ёки Ўз олдиндаги ғайб илмида сақлаб қўйган эдинг. Шу исмларингнинг ҳаммаси билан сўрайманки, Қуръонни қалбим-

нинг баҳори, дилимнинг нури, маҳзунлигимни кетказувчи ва ташвишларимни аритгувчиси қилгин (Аҳмад. Албоний саҳиҳ деган).

٨٤- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ ،
وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ ،
وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا .»

Аллоҳим, Сендан фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман (Муслим ривояти).

٨٥- «اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفْوٌ كَرِيمٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ
فَاعْفُ عَنَّا .»

Эй Роббим, Сен авф қилувчи каримсан ва авф қилишни яхши кўрасан. Ўзинг мени авф эт (Термизий ва Насоий ривояти).

۸۶- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ جَهْدِ الْبَلَاءِ، وَدَرْكِ الشَّقَاءِ، وَسُوءِ الْقَضَاءِ، وَشَمَاتَةِ الْأَعْدَاءِ.»

Аллоҳим, мен Сендан машаққатли балодан, оғир бахтсизликдан, қазою қадарнинг ёмонидан ва душманнинг ичи қоралигидан паноҳ тилайман (Бухорий ривояти).

۸۷- «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْفَقْرِ، وَالْقِلَّةِ، وَالذُّلَّةِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ.»

Эй Аллоҳим, мен Сендан фақирлигу йўқчиликдан, хорликдан, зулм қилишдан ва зулм қилинишдан паноҳ беришингни сўрайман (Насоий ривояти).

۸۸- اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِيمَنْ عَافَيْتَ، وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّيْتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا

أَعْطَيْتَ، وَقِنِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ، فَإِنَّكَ تَقْضِي
وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ، إِنَّهُ لَا يَدُلُّ مَنْ وَالَيْتَ،
وَلَا يَعِزُّ مَنْ عَادَيْتَ، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ.

Эй Аллоҳим, Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят эт. Офият ато этганларинг қаторида менга офият бер. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзингга яқин тут. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли қил. Тақдир этган нарсаларинг ёмонлигидан мени асра. Албатта, Сен ҳукм этасан. Сенга қарши ҳукм этилмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Роббим! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан. (Абу Довуд, Ибн Можа ва бошқалар ривояти).

۸۹- «اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى أَزْوَاجِهِ
وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، وَبَارِكْ

عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا
بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.»

Эй Аллоҳим, Муҳаммадга, унинг жуфти ҳалолларига ва зурриётларига худди Иброҳимнинг оиласига салавот йўллаганинг каби салавот йўллагин. Муҳаммадга, унинг жуфти ҳалолларига ва зурриётларига худди Иброҳимнинг оиласига барака берганингдек барака ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан (Бухорий ва Муслим ривояти).



Мундарижа

Муқаддима.....	5
Биринчи қисм.....	9
Иккинчи қисм.....	17
Учинчи қисм	25
Тўртинчи қисм.....	37
Бешинчи қисм.....	45
Олтинчи қисм.....	53
Еттинчи қисм.....	67

Раҳматуллоҳ Абдуллоҳ ўғли

ПУРМАЪНО ДУОЛАР

1438 ҳ. - 2017 м.